

АБДУПАТТАЕВ Мумин Мирзо Муроджон ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
стажёр-тадқиқотчиси mirzo21@umail.uz

АБУЛ ФАТХ ШАХРИСТОНИЙ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

ABUL FATH SHAHRISTANI'S LIFE AND SCIENTIFIC HERITAGE

ЖИЗНЬ И НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ АБУЛ ФАТХА ШАХРИСТАНИ

Аннотация: Ушбу мақолада динлар тарихини ўрганишда ўз мактабини яратган Абул Фатҳ Шахристоний (XI-XII аср)нинг ҳаёти ва фаолияти ўрта аср араб манбалари асосида тадқиқ этилган. Олим қаламига мансуб асарлар, унинг устозлари ва шогирдлари тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Шунингдек, мақолада олимнинг илмий фаолияти ва асарларига XII аср олимларининг берган баҳо ҳамда ҳолис фикрлари, турли манба, адабиётлар асосида ёритилган.

Таянч сўзлар: Абул Фатҳ Шахристоний, Шахристон, “ал-Милал ва-н-нихал”, динлар тарихи, динишунослик, бағрикенглик.

Аннотация: В статье исследуется жизнь и деятельность Абул Фатха Шахристани (XI-XII вв.), создавшего собственную школу по изучению истории религии, основанную на средневековых арабских источниках. Дается информация о трудах, учителях и учениках ученого. В статье также описывается научная деятельность ученого и его труды на основе объективных мнений и оценок ученых XII века, приведенных в различных источниках и литературах.

Ключевые слова: Абуль Фатх Шахристани, «аль-Милал ва-н-Нихал», история религий, теология, Шахристан, толерантность.

Abstract: This article examines the life and work of Abul Fath Shahrastani (XI-XII centuries), who created his school in the study of the history of religions, based on medieval Arabic sources. Data about works, teachers, and pupils of the scholar are also given. The article also describes the scientific activity of the scientist and his works based on evaluations and objective opinions of scientists of the XII century, various sources, and literature.

Keywords: Abul Fath Shahrastani, “Al-Milal van-Nihal”, history of religions, theology, Shahrastan, tolerance.

КИРИШ

Бугунги кунда тарихни ҳолисона ўрганиш, миллий ва диний кадриятларни қайта тиклаш, аجدодлардан қолган бой, маънавий-маданий меросни асраб-авайлаш, тадқиқ этиш ҳамда уларни келажак авлодларга етказиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ўрта аср уламоларининг илмий меросларини ҳолисона ўрганиш ҳамда ҳозирги глобаллашув даврида мавжуд муаммоларни бартараф этишда ушбу манбалардан фойдаланиш жуда муҳим.

Жамият пайдо бўлганидан то ҳозирга қадар жаҳонда мавжуд динлар, уларнинг пайдо бўлиши, диний таълимот асосчиларининг ҳаёти ва фаолияти, у ёки бу дин таълимоти, байрам ва маросимлари, диний манбалари, ривожланиш босқичлари, бошқа динлар билан муносабати, жамият орасида тутган ўрни ҳақида турли тадқиқотлар амалга оширилган, IX-XII аср мусулмон олимлари томонидан бирламчи манбалар ёзиб қолдирилган. Шундай манбалардан бири Абул Фатҳ Шахристонийнинг “ал-Милал ва-н-нихал” асаридир. Ушбу асарда нафақат Исломдаги фирқалар ҳақида, балки бошқа динлар ва эътиқодларга доир муҳим маълумотлар келтирилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абул Фатҳ Шахристонийнинг тўлиқ исми – Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абу Бакр Аҳмад [1:273] бўлиб, у Шахристоний нисбаси билан танилган. Шунингдек, олимнинг кунyasi Абул Фатҳ, лақаби Тожуддин ва Лисонуддин бўлган. Олим Хуросоннинг Шахристон шаҳрида туғилган. “Шахристон” сўзи форсча бўлиб, у “шаҳр” яъни шаҳар (мадина) ва “истон”, яъни тараф маъноларини билдирувчи иккита сўздан ташкил топган.

Шахристон номли шаҳарлар учта бўлиб, улар куйидагилар:

Хуросондаги Шахристон шаҳри. У Нишопур ва Хоразм диёрларининг орасида жойлашган бўлиб, Хуросоннинг охири ва Хоразм ҳудудларидан бирига туташ чўлликда барпо этилган шаҳардир. Бу шаҳар тарихда машҳур бўлиб, Абул Фатҳ Шахристоний, Абдуллоҳ Тохир Амир Хуросоний ва бошқа кўплаб олимлар етишиб чиққан [1:274].

Форс диёрларидаги Сабур (ҳозирги Найсопур шаҳри) минтақасига қарашли қишлоқ ҳам Шахристон деб номланган [1:274].

Исфaҳоннинг Жий номли шахрига нисбатан ҳам Шахристон номи ишлатилган [1:274].

Тадқиқотчилар Абул Фатх Шахристониёй туғилиб ўсган ва вафот этган жой Шахристон шахри экани тўғрисида бир хил фикр айтганлар. Лекин олимнинг қайси йилда туғилгани ҳақида ихтилофлар мавжуд. Олимнинг туғилган санаси тўғрисида манбаларда уч хил маълумот учрайди. Улар қуйидагилар:

467/1075 йил

469/1077 йил

479/1086 йил

Биринчи маълумотни Шамсиддин Заҳабий “Сияр аълам ан-нубало” китобида нақл қилган: “Самъоний айтади: Мен ундан Марвда ҳадис ёзиб олганман. Менга айтишича, у ҳижрий 467 йилда таваллад топган экан” [8:286].

Олимнинг таваллуди тўғрисидаги иккинчи санани Ёқут Ҳамавий “Мўъжам ал-булдон” асарида келтириб, шундай дейди: “Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Муҳаммад Хоразмий “Тарихи Хоразм” асарида айтади: “Олимнинг таваллуди 469 йилда бўлган” [5:377]. Ғарб олимларидан Карадифу ва Брокельман ҳам ушбу маълумотни келтирганлар.

Учинчи маълумотни Ибн Халликон ўзининг “Вафаёт ал-аён” асарида келтиради: “Унинг туғилиши 467 йил Шахристонда бўлган. Буни мен қоралама хатларимдан топдим. Лекин уни қаердан нақл қилганимни билмайман. Самъоний “Зайл” китобида айтади: “Мен ундан таваллуд топган йили ҳақида сўрадим. У “479 йилда туғилганман деб айтди” [1:274]. Бу маълумотни Тожуддин Субкий ва Ибн Ҳажар ҳам қайд этганлар.

Олимнинг вафоти ҳақида эса ихтилофлар йўқ. У 548 йил шаъбон /1153 йил октябрь ойида вафот этган [1:274, 5:377, 8:287].

Олим ҳаётининг кўп қисмини илм олиш ва илм тарқатишга сарф қилган. Ёшлик чоғидан бошлаб ўз шахри масжидларидаги илм ҳалқаларига қатнаган. Ушбу шаҳар олимларига шогирд бўлган, улардан турли илмларни ўрганган. Улғайгач эса қўшни шаҳарлардаги олимлардан илм олиш учун сафарга чиққан. Шахристониёй илмнинг фақат бир йўналиши билан чекланиб қолмасдан, унинг турли соҳалари билан шуғулланган. Шахристониёйнинг илк ўрганган соҳаси тафсири илми бўлган. Бу ҳақда олимнинг ўзи шундай дейди: “Мен ёшлик чоғимда шайхларимдан

тафсири илмини фақатгина эшитар эдим” [2:3]. У ўн беш ёшида Абулҳасан Мадинийдан Нишопурда ҳадис тинглаган. Шунингдек, фикҳни ҳам ўрганиб, фақиҳ даражасига етган. Олимнинг илмий салоҳияти тўғрисида бир қатор алломалар ўз фикрларини билдирганлар.

Жумладан, Тожуддин Субкий “Табакот аш-шофия ал-кубро” асарида: “Унга эгаллаган илмлари эътиборидан “Афзал” деб лақаб қўйилган. Шахристониёй кўзга кўринган имом, калом ва мунозара илмида пешқадам ҳамда фикҳ, усул илмларида моҳир эди”, дейди [3:78].

Ибн Халликон “У имом, фақиҳ ва мутакаллим эди”, деб нақл қилади [1:274].

Ёқут Ҳамавий “Шахристониёй ашъарий таълимотининг етук олими, имом, донишманд, мутакаллим ва фикҳ илмида моҳир, калом илмида ягона, зеҳни ўткир, ширин сўзли ва воиз киши эди”, деб зикр қилади [5:377].

Самъоний айтади: “Шахристониёй имом, фозил, мутакаллим, усул олими, адаб ва нодир илмларнинг билимдони бўлган” [4:160].

Шамсиддин Заҳабий “Сияр аълом ан-нубало” китобида “У “Афзал”, калом ва ҳикмат аҳлининг шайхи, кўп китоблар соҳиби эди. Фикҳда моҳир, зеҳни ва фаҳми кучли ҳамда сўзамол киши эди”, [8:286-287] деб зикр қилади.

Абул Фидо айтади: “Шахристониёй ашъарий мазҳабининг етук олими, калом ва фикҳ илмининг имомидир. Унинг кўп китоблари мавжуд” [9:27].

Ибн Вардий: “У ашъарий мазҳабининг етук олими ва фақиҳ зот бўлган” [10:86], дейди.

Ибн Туғри Берди айтади: “Калом илми олимларининг энг афзали ва ўз асридаги турли хил фанларнинг билимдони бўлган. Унга кўп олимлар шогирд бўлганлар” [11:305].

Абул Фатх Шахристониёй ҳақидаги бундай сўзларни фақат у билан замондош олимлар эмас, балки кейингилар ҳам айтишган. Жумладан:

“Доиратул маъориф ал-исламия” китобида шундай дейилган: “У ўрта асрларда Шарқдаги турли дин ва эътиқодларни ўрганган тарихчилар ичида кўзга кўринган киши эди” [12:424].

Хайруддин Зириклий “Аълом” асарида: “У ислом файласуфларидан бўлиб, калом, турли динлар ва фалсафа илмларида имом эди. Унга нисбатан “Афзал” лақаби ишлатилган”, [13:215] дейди.

Муҳаммад Шафиқ Ғурбол ўзининг “ал-Мавсуъа ал-арабия ал-муъассира” асарида: “У

форс олими бўлиб, фикҳ, калом илми ва турли динлар борасида таҳқиқчи олим бўлган. Сўзи ва мавъизаси чиройли киши эди”, [14:1098] деб Шаҳристониининг илмига баҳо беради.

Зухдий Жоруллоҳ айтади: “У тарихчи олимлар ичида энг холиси, мулойими, қалби очиғи ва узокни кўра биладигани эди” [15:186].

Абул Фатҳ Шаҳристониий бундан ташқари хушмуомала, лафзлари, иборалари ва хати чиройли бўлган. Бунга унинг ёзган китоблари ҳам далил бўлади. Мунозараларда ҳеч қандай ножўя сўз, ёмон муомала, бадхулқлик ва хунук лафзлар учрамайди.

Олим ҳаётининг бир қисмини илм йўлида сафар қилиш билан ўтказган. Олимнинг илмий сафарларини иккига бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчиси, Хуросон минтақасининг шаҳарларига сафарлари бўлса, иккинчиси Хуросондан узок жойларга қилган сафарлари ҳисобланади.

Абул Фатҳ Шаҳристониий ўзи яшаган жойга яқин бўлган Хуросон ўлкаси ва Хоразм шаҳарига сафар қилган. Самъоний бу ҳақида шундай дейди: “Хуросонда яшаган ва у ерда бир муддат турган” [4:162]. Олим Хоразмда ҳам бир уй сотиб олиб, у ерда бир оз муддат яшаганлиги манбаларда қайд этилган. Бу ҳақда Муҳаммад Хоразмий шундай дейди: “У Хоразмга борди ва у ерда бир уй сотиб олиб, бир муддат яшади. Кейин Хуросонга қайтиб кетди” [5:377]. Бу шаҳарлар Шаҳристонга яқин бўлгани учун у ерларга кўп маротаба келиб турган. Гоҳида шимолдан Журжон шаҳригача борган бўлса, гоҳида жанубдан Нишопурга чадирган [6:142]. Шаҳристониий Нишопурда Абулҳасан Мадинийдан ҳадис илмидан дарс олган [19:19].

Олимнинг ўз юртидан ташқарига қилган сафарлари ҳақида сўз борганда Макка ва Бағдод шаҳарларидан бошқаси зикр қилинмаган. Шаҳристониий ҳижрий 510 (1116) йил Макка шаҳрига ҳаж зиёратини адо қилиш учун йўлга чиққан [5:377]. Бу пайтда ўттиз ёшга яқинлашган эди. Кейин Бағдоддаги Низомия мадрасасига борган ҳамда ҳадис, фикҳ ва каломдан дарс берган. У ерда уч йил яшаб, Шаҳристонга қайтган ва умрининг охиригача ўз шаҳрида яшаган.

Олим Шаҳристонда яшаган вақтида Хуросон ва унга қўшни бўлган яқин шаҳарларга таълим, тадрис ва мунозаралар қилиш учун ҳам сафар қилиб турган. Масалан, Шаҳристониий

машҳур олимлардан Муҳаммад Хоразмий ва Заҳириддин Байҳақийлар билан мунозаралар ўтказган. Бу ҳақда Муҳаммад Хоразмий шундай дейди: “Бизнинг ўртамазда суҳбатлар ва музокаралар бўлиб турар эди” [5:377]. Заҳириддин Байҳақий эса шундай ёзади: “Мен ва Шаҳристониийни Абулҳасан ибн Ҳамавий бир мажлисда тўплади. Бу мажлисга Имом Абу Мансур Ибодий, Муваффиқуддин Аҳмад Лайсий, Шаҳобиддин Воиз Шануконий ва бошқа фозил кишилар ҳам келишди” [7:142].

Юқоридаги маълумотлар Абул Фатҳ Шаҳристониининг илмда топган мақоми юқори эканини кўрсатади.

Олимнинг илмий сафарлари тўғрисида маълумотлар кўп бўлгани билан устозлари ҳақидаги хабарлар кам учрайди. Шаҳристониий куйидаги олимлардан илм ўрганган:

1. Абулқосим Ансорий. Олимнинг тўлиқ исми – Сулаймон ибн Носир ибн Имрон ибн Муҳаммад ибн Исмоил Ансорий Нишопурий. У киши сўфий бўлган. У ҳақда Тождуддин Субкий шундай дейди: “Мутакаллимлар имоми, ўтқир фикрли, усул олимлари ўртасида ва тафсир илмида кўзга кўринган факих, сўфий ва зоҳид имом бўлган. Имомул Ҳарамайн Жувайний, Абулқосим Қушайрий каби олимлардан илм олган. Тасаввуф ва тариқатда пешқадам бўлган. 511 ҳижрий (1117) йилда вафот этган. Баъзи маълумотларда 512 (1118) йилда вафот этган дейилган” [8:412].

Шаҳристониининг илм олишида бу олимнинг катта ҳиссаси бор. Шаҳристониий ундан кўп илмларни ўрганган. Абулқосим Ансорийни ўзининг хос устози, йўлбошчиси эканини айтган ва китобларида уни мақтаб зикр қилган. Бу каби сўзлари бошқа устозлари ҳақида учрамайди.

Шаҳристониий калом ва усул илмини Абулқосим Ансорийдан ўргангани учун ақида ва фалсафада унинг изидан борган.

2. Абулҳасан Мадиний. Унинг тўлиқ исми – Али ибн Аҳмад ибн Аҳрам Нишопурий. У такводор киши бўлган. Абу Закариё Мазкий, Абу Абдурахмон Сулабий ва Абу Бакр Жабарийлардан ҳадис илмини ўрганган. Имом Шаҳристониий ундан Нишопурда ҳадис тинглаган. У 494 ҳижрий (1101) йилда муҳаррам ойида вафот этган [5:377].

3. Абулмузаффар Хавофий. Унинг тўлиқ исми – Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Музаффар Хавофий. Имом Субкий уни етук имом, деб

мадҳ этган. У Имом Жувайнийдан фикҳ илмини ўрганган. Имом Жувайний уни чиройли фасоҳат билан гапириши, яхши мунозара олиб боришини мақтаган.

Абулҳасан Форсий Имом Хавофий тўғрисида: “У ўз замонасининг фикҳ илмида кўзга кўринган билимдони эди” [3:55], деб ёзади. У ҳижрий 510 (1116) йил Тус шаҳрида вафот этган. Абулмузаффар Хавофий Шаҳристонийга фикҳ илмидан дарс берган.

4. Абу Наср Қушайрий. Унинг тўлиқ исми – Абдурроҳим ибн Абулқосим ибн Абдулкарим ибн Ҳавозин Қушайрий Нишопурий. Шофийий мазҳабидаги етук фақиҳ, наҳв илми билимдони ва мутакаллим бўлган. Тожуддин Субкий у ҳақда: “Етук имом, сўфийларнинг шайхи, заковат эгаси бўлган зот эди” [3:55], деб ёзган. У киши ҳижрий 514 (1120) йил жумодус соний ойининг 28-куни вафот этган. Шаҳристонийга фикҳ, усул ва калом илмидан дарс берган.

Бу ўринда шуни айтиш мумкинки, олимнинг барча устозлари Шофийий мазҳабида ва ашъария таълимотида бўлганлар.

Шаҳристоний кўп олимлар билан ҳамаср бўлган. Улар билан турли илмий мажлислар, ҳалқаларда қатнашган ва ўрталарида баҳс-мунозаралар бўлиб, ўзаро тажриба алмашишган. Бу ҳам илм ўрганиш ва тарқатишнинг бир йўли ҳисобланади.

Муаллиф билан замондош бўлган машҳур олимлар жумласига қуйидагилар киради:

Заҳириддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Хоразмий. У Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аббос Заҳириддин Абу Муҳаммад Хоразмий Аббосий. Ҳижрий 492 йил (1099) Рамазон ойининг 15 куни Хоразмда туғилган. Ҳижрий 568 йил (1177) Рамазон ойида вафот этган. Бу олим Шаҳристоний билан бир замонда яшаган ва унинг илмий мажлисларида қатнашган, улар ўртасида мунозаралар, фикр алмашишлар бўлган. Бу ҳақда Муҳаммад Хоразмийнинг ўзи шундай дейди: “Ўртамизда суҳбат ва музокаралар бўлган” [5:377]. Яна: “Мен унинг бир нечта ваъз мажлисларида қатнашганман” [5:377].

1. Заҳириддин Абулҳасан Али ибн Абулқосим Зайд Байҳақий. У Али ибн Зайн ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Сулаймон Ҳузаймий Байҳақий. Ҳижрий 499 йил (1106) Шаббон ойининг 27 куни туғилган. 565 йил (1174) вафот этган. Ушбу олим Шаҳристоний

билан илмий мажлис ва мунозараларда бирга бўлган. Олимнинг таржимаи ҳолига қаралса, Шаҳристонийга устоз ўрнида бўлгани ойдинлашади. Чунки Шаҳристоний баъзи китобларини унга ўқиб берган ва Байҳақий Шаҳристоний билан ўзининг китобларида ёзган баъзи масалаларда мунозара қилган.

2. Асъад ибн Муҳаммад ибн Абунаср Абулфатҳ Миханий. Олим ҳижрий 527 йил (1136) вафот этган. Бир ривоятда 523 йил (1132) Ҳамадонда вафот этган, дейилган. Олим Шаҳристоний билан Хоразмда учрашган ва суҳбат курган. Улар ўртасида дўстлик пайдо бўлган. Бу учрашувлар Асъад Миханийнинг Бағдоддаги Низомия мадрасасига мударрисликка боришидан олдин бўлган. Кейин 507 (1113) йил у Бағдодга боради. Шаҳристоний ҳам Бағдодга борганидан кейин уларнинг муносабатлари янада мустаҳкам бўлади. Муҳаммад Хоразмий айтади: “Шаҳристоний 510 (1116) йили ҳаж сафарига чиқиб кетади. Кейин Бағдодда уч йил яшайди. Унинг Низомияда суҳбат ўтказадиган мажлиси бор эди. У оммага мақбул бўлди. Бу кунларда Асъад Миханий ҳам Низомия мадрасасида мударрис эди. Улар ўртасида олдин ҳам Хоразмда суҳбат бўлиб ўтган эди. Асъад унга шунинг учун яқин эди” [5:377].

Шаҳристоний бундан ташқари бошқа олимлар билан ҳам учрашган. Жумладан: Абу Саъд Абдулкарим Самъоний, Абулҳасан ибн Ҳамавий, Абумансур Ибодий, Муваффиқуддин Аҳмад Лайсий, Шаҳобиддин Воиз Шанурконий ва бошқалар.

Абул Фатҳ Шаҳристоний серқирра олим бўлиб, тафсир, фикҳ, калом илми, фалсафа, фирқалар ва динлар тарихи каби фан соҳаларида кўплаб китоблар ёзган. Унинг ҳозирги кунгача маълум бўлган асарлари йигирмадан ортик бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

“Ал-Милал ва-н-ниҳал” (الملل والنحل).

Бу асар турли динлар замирида пайдо бўлган фирқалар тарихига бағишланган. Муаллиф ушбу асарни ёзгандан кейин машҳур бўлган. Ҳатто, бу соҳада таълиф қилинган китоблар эсланганда, у биринчи ўринда зикр қилинадиган даражага етган. Мусулмон оламида дунё динлари тарихини ўрганишда ушбу асар асосий, эътиборли манбалардан ҳисобланади.

“Ниҳоят ал-иқдом фи илм ал-калом” (نهاية الإقدام في علم الكلام).

Калом илмига бағишланган ушбу асар фалсафий тарзда ёзилган. Асарнинг биринчи замонавий нашри 1934 йилда инглиз шарқшуноси Алфред Гийом томонидан амалга оширилган. Алфред китобнинг муқаддимасида Шахристониининг ҳаётини ҳам ёритган ва китобнинг бошқа нусхалари ҳам мавжудлиги ҳақида ёзган. Китобнинг ўндан ортиқ қўлёзма нусхалари мавжуд [16:92].

“*Мусораъат ал-фалосифа*” (مصارة الفلاسفة).

Фалсафага оид асар. Муҳаммад Шерозий китоб ҳақида шундай дейди: “Бу китобни ҳижрий 540 (1145) йиллар атрофида Мажиiddин Абулқосим Али ибн Жаъфар Мусавий учун ёзган” [16:92]. Ушбу асар Доктор Суҳайр Муҳаммад Мухтор таҳқиқи остида 1976 йилда нашр қилинган.

“*Мафотих ал-асрор ва масобих ал-аброр*” (مفاتيح الاسرار و مصابيح الابرار).

Бу асарни муаллиф таржимаи ҳоли билан шуғулланган олимлар [18:763] унинг китобларидан бири, деган фикрга келишган. Китоб тафсир илмига бағишланган бўлиб, Шахристониини уни ҳижрий 538 (1143) йили ёзишни бошлаган. Бу китобда Фотиҳа, Бақара ва Оли Имрон суралари тафсир қилинган. Бу тафсир, кўп олимларнинг наздида “исмоилийлик эътиқодидан келиб чиққан ҳолда ёзилган” деб баҳоланади. Аммо бу сўзлар ўз исботини топган эмас.

1. “*Баҳс фи-л-жавҳар ал-фард*” (بحث فى الجوهر الفرد).

Бу китобни Алфред Гийом чоп этиб “Ниҳоят ал-икдом” китобига қўшган. Тадқиқотчилар бу асарни алоҳида китоб ёки китобнинг бир қисми экани ҳақида баҳс қилишган. Лекин у Шахристониини қаламига мансуб эканида бир фикрда бўлишган.

Олимлардан Доктор Муҳаммад Бадрон ва Муҳаммад Тақий Дониш уни алоҳида бир китоб деб ҳисоблашган.

Ушбу асарни Шахристониининг яна бир асари “Ниҳоят авҳам ал-ҳукамо ал-илаҳийин”да келган “жавҳар” ва “араз” тўғрисидаги масалаларидан бири, деган олимлар ҳам бор. Масалан, Доктор Суҳайр Мухтор айтади: “Шунга кўра: “Алфред Гийом “Ният ал-икдам” асарига қўшган “Жавҳар ал-фард” масаласи “Ниҳоят авҳом ал-ҳукамо ал-илоҳийин” китоби ўз ичига олган йигирмата масаланинг биридир” [16:99].

1. “*Қиссату саййидина Юсуф алайҳиссалом*” (قصة سيدنا يوسف عليه السلام).

Ушбу китоб “Юсуф” сурасининг шарҳи” номи билан ҳам машҳур. Ушбу асарнинг ягона нусҳаси ал-Азҳарнинг кутубхонасида сақланмоқда.

1. “*Мажлис фи-л-халқи ва-л-амри*” (مجلس فى الخلق و الامر).

Китоб форс тилида ёзилган. У муаллифнинг Хоразмда ўтказган илм мажлисларидан биридаги маълумотларни ўз ичига олади. У бир неча марта форс тилида нашр этилган бўлиб, унда “инсоннинг яратилиши” ва “фаришталарнинг саждага амр этилиши” ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Доктор Забиҳуллоҳ бу китоб ҳақида шундай дейди: “Шахристониини турли ақидалар, динлар, файласуфлар, ҳаким ва муфассирларнинг сўзларидан хабардор бўлгач, бу илмий мажлисларида инсонларнинг зехнларига ҳамда тингловчиларнинг қулоғига чиройли таъсир қилиш мақсадида қисқа иборалар ва қофияли сўзларни келтира бошлади” [16:82].

Юқоридаги асарлар бугунгача етиб келган асарлар ҳисобланади. Шахристониининг куйидаги асарлари бизгача етиб келмаган бўлса-да, кўплаб тарожим ва маноқиб китобларида зикр қилинган.

“*Қиссату Муса ва Хизр*” (قصة موسى و خضر).

Байҳақий айтади: “Шахристониининг кўп китоблари бўлиб, Мусо ва Хизр қиссаси ҳам шулар жумласидандир” [7:142]. Яна Шаҳрўзий ва бошқа тадқиқотчилар ҳам бу китоб Шахристониини тегишли эканини айтишган.

“*Ал-Иршод ило ақоид ал-ибод*” (الارشاد إلى عقائد العباد).

Бу китобга муаллифнинг ўзи “Ниҳоят ал-икдом” китобида ишора қилиб ўтган [8:551]. Баъзи тадқиқотчилар ҳам китобни Шахристониини нисбат беришган [5:377].

1. “*Ал-Уюн ва-л-анҳор*” (العيون والأنهار).

Муаллиф бу китоб ҳақида “Мафотих ал-асрор ва масобих ал-аброр” асарида ҳам тўхталиб ўтганини кўриш мумкин.

2. “*Рисолат фи-л-мабда ва-л-маод*” (رسالة فى المبدأ و المعاد).

Муаллиф бу китоб ҳақида “Ниҳоят ал-икдом” номли асарида ҳам айрим масалаларни шу номли китобда зикр қилганини қайд этган.

3. “*Ал-Манҳаж фи илм ал-калом*” (المنهج فى علم الكلام).

Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги бу китоб Шахристониининг қаламига мансуб эканига иттифоқ қилишган. Лекин китобнинг номи ҳақида баъзи фикрлар айтилган. Жумладан, қуйидаги номлар келтирилган: “ал-Манҳаж ва-л-аят”, “ал-Манҳаж ва-л-баён”, “ал-Манҳаж”, “ал-Манҳаж фи-л-оят” ва “ал-Баййинот”.

1. “*Ғоят ал-маром*” (غاية المرام).

Муаллиф ҳақида таржимаи ҳол ёзган бир неча олимлар бу китобни зикр қилиб ўтишган.

1. “*Талхис ал-ақсом ли мазоҳиб ал-аном*” (تلخيص الأقسام لمذاهب الأنام).

2. “*Ниҳоят авҳом ал-ҳукамо ал-илоҳийийин*” (نهاية أو هام الحكماء الإلهيين).

3. “*Дақоиқ ал-авҳом*” (دقائق الأوهام).

4. “*Тарих ал-ҳукамо*” (تاريخ الحكماء).

5. “*Ал-Ақтор*” (الأقطار).

6. “*Асрор ал-ибод*” (أسرار العباد).

7. “*Аш-Шажарат ал-илоҳия*” (الشجرة الإلهية).

8. “*Мажлисун фи усули-л-ҳикма*” (مجلس في أصول الحكمة).

Шунингдек, олимнинг Ибн Сино, Тождидин Муҳаммад Сахлоний ва Шарафуззамон Муҳаммад Ийлокийга юборган рисоалари тўғрисида ҳам баъзи манбаларда оз бўлса-да маълумотлар учрайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Шахристониининг етук ва серкирра олим, чиройли хулқ ва сифатлар эгаси бўлган. Фикҳда Шофийий мазҳабида ва ақидада ашъария эътиқодида бўлган. У илмнинг кўп соҳаларига оид асарлар ёзиб қолдирган. Олим асарларида кўтарилган долзарб масалаларга муносабат билдиришда холисликдан четга чиқмаган. Бошқа эътиқодларга нисбатан бағрикенг муносабатда бўлган. Ўзга дин вакиллари танқид қилмаган. Шахристониининг асарлари самарали бўлгани учун ўша даврдаги олимлар ҳам ҳозирги кундаги тадқиқотчилар ҳам улардан кенг камровда фойдаланиб келмоқда.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ибн Халликон, Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр. Вафаёт ал-аён. – Байрут: Дор ас-садр, 2007. – Ж. 4. – 490 б.
2. Суҳайбоний, Муҳаммад ибн Носир ибн Солих. Манҳаж аш-Шахристониининг фи китобиҳи ал-

милал ва-н-нихал. – Риёд: Дор ал-ватан, йили кўрсатилмаган. – 539.

3. Субкий, Тождидин ибн Такийуддин. Табақот аш-шофия ал-кубро. – Байрут: Дор ал-маъориф, 2015. – Ж. 4. – 534 б.
4. Самъоний, Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад. Ат-Тахбир фи муъжам ал-кабир // Мунира Ножий Солим таҳқиқи. – Бағдод: Матбаат ал-иршод, 1395. – Ж. 2. – 600 б.
5. Ҳамавий, Абу Абдуллоҳ Ёкут. Муъжам ал-булдон. – Байрут: Дор ас-садр, 2006. – Ж. 3. – 549 б.
6. Шахристониининг, Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Аҳмад Абул Фатх. Ал-Милал ва-н-нихал. – Байрут: Мактабат ал-асрия, 2000. – 255 б.
7. Байҳақий, Заҳируддин Абул Ҳасан Али ибн Абулқосим. Тарих ҳукамо ал-Ислом. – Дамашк: Матбаат ат-тараккий, 1365/1946. – 546 б.
8. Заҳабий, Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1996. – Ж. 20. – 680 б.
9. Абул Фидо, Имоуддин Исмоил. Ал-Мухтасар фи ахбор ал-башар. – Қоҳира: Ҳусайния, 1995. – Ж. 3. – 225 б.
10. Ибнул Вардий, Зайнуддин Умар. Тарих Ибн ал-Вардий. – Матбаат ал-ҳайдария, 1389/1969. – Ж. 2. – 556 б.
11. Ибн Туғри Берди, Жамалиддин Абулмаҳосил Юсуф. Ан-Нужум аз-зоҳира. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-Мисрия, 2003. – Ж. 3. – 605 б.
12. Шарқшунос олимлар жамоаси. Доират ал-маориф ал-исломия. – Байрут: Дор ат-таъриф ал-матбуа, 2002. – Ж. 13. – 520 б.
13. Хайруддин Зириклий. Ал-Аълом. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-малойин, 1984. – Ж. 6. – 335 б.
14. Муҳаммад Шафиқ Ғурбол. Ал-Мавсуат ал-арабия ал-муяссара. Дор ихё ат-турос ал-арабий, 1965. – Ж. 2. – 3771 б.
15. Зухдий, Ҳасан Жоруллоҳ. Ал-Мўътазила. – Қоҳира: Матбаат Миср, 1366/1947. – Б. 318 б.
16. Суҳайр Муҳаммад Мухтор. Аш-Шахристониининг ва ороҳу ал-каломия ва-л-фалсафия. – Қоҳира: Жомият Айн шамс, 1395/1975. – 251 б.
17. Карл Брокельман. Тарих ал-адаб ал-арабий. // Доктор Рамазон Абдуттавоб таржимаси. 3-нашр. – Қоҳира: Дор ал-маориф, 2006. – 2169 б.
18. Шахристониининг, Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Аҳмад Абул Фатх. Ниҳоят ал-икдом. // Алфред Гийом таҳқиқи. – Бағдод: Мактабат ал-мусанно ал-омма, 2009. – 522 б.
19. Шахристониининг, Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Аҳмад Абул Фатх. Мафотих ал-асрор ва масобих ал-аброр. – Техрон: Мероси мактуб. 2008. – 1278 б.